




Ж О Н В А Т А Н И М



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

И.А.КАРИМОВ

ЙИГИТ — ЭЛ СУЯНЧИГИ

Ҳадиси Шарифда «Ватани севмоқ иймондандир», дейилади. Мактабимизда бошланғич ҳарбий таълим дарсларида мустақил республикамизнинг ҳимоятчиларини тарбиялаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини ёшлар онги ва қалбига синдиришга ҳаракат қилиб келаётганимиз. Матбуот саҳифаларида баъзан ҳарбий хизматчиларнинг ўз бурчларини бажаришдан бўйин толашлари сингари ҳунук воқеаларга очиқ муносабат билдираемиз.

Мактабимизда бошланғич ҳарбий таълим дарсларининг духта ўтирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Машғулот ўтиладиган синфхона, ўқув қуроллари ва кўргазмалар қуроллар сақлайдиган жой ташкил этилган. Ҳужжатларни сақлаш, фуқаро муҳофазаси, навбатчилар амалий шугулланадиган бурчлар мажмуи. Мактаб ҳовлисида эса турли ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилган майдонга ташкил этилиб, талаб даражасида янги қозолган. Мерганлик хонасида ўқувчилар мунтазам равишда маҳоратларини ошириб боришади.

Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва ота-боболар аъёнларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида уруш фахрийлари ва байналмилалчиларга бағишланган бурчлар ташкил этилган.

ҲИКМАТЛАР

- Булбул чаманни, одам Ватанни севади.
- Ватансиз одам — қўшиқсиз булбул.
- Тоғсиз водий, Ватансиз эр бўлмас.
- Ўз Ватанида ҳар дарахт ҳам кулиб боқади.
- Ўз Ватанининг тутуни ҳам ўзга эл оловидан аъло.
- Мих наълни, наъл отни, от ботирни, ботир Ватанни асрайди.
- Тойлоқ онасини, ота ўғли — Ватанни кўмсайди.
- Ватандан йироқда ватандошнинг кўрганнинг — Ватанини кўрганнинг.
- Ватанга садоқатли жангда намуна.
- Армиямиз қудратли экан — Ватанимиз енгилмас макон.
- Ватан баҳодирлари билан шуҳратли.

Тўпловчи: А. АЛИЕВ.

Ўқувчиларимиз ҳарбий спорт ўйинларида ва жисмоний тарбия мусобақаларида туман ва вилоят миқёсида ўтказилган беллашувларда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. Иш усулларимизни вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари кузатиб, тажрибаларимизни ўрганишмоқда.

Мактабимиз байналмилалчи жанчи номи билан аталади. Мактабда Улуғ Ватан

уруши ва байналмилалчи жангчилар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Биз мустақил республикамиз муносиб ҳимоятчиларини тарбиялаш йўлида собитқадамлик билан иш олиб бораверамиз.

Б. ТОҶИБОВЕВ,
Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги 30-ўрта мактаб бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси.

Еримизда кумуш, мис, рух, қалай, газ, нефть, олтин каби турли хил табиий бойликлар мавжуд. Энди буларга ўзимиз — Ўзбекистонимиз эгалик қилади. Бу шундай ажойиб бир диверсия, унинг туپроғини ўлмоқ зарур. Мустақиллик иши билан ёнган далавларни ҳис қилмоқ керак. Аллоҳ толо ҳам, табиат ҳам ўз сароҳатини юртимиздан аямаган, туپроғига чўп тикляс ҳам ҳосил

ЗАМОНАМИЗГА АЛПОМИШЛАР КЕРАК

берадиган баракали, унмдор ўлка фарзандимиз.

Тарихимиз-чи, унга бир назар ташлайтик. Мингнинг йиллик тарихимиз, Бетакор обидаларимиз, мачит, мадраса, серой, кесрлар, осмонлар миноралар, макбаралар, бой, кўна ва навирон тарихимиздан далолат эмасми!

Самарқанд, Бухоро, Хева, Тошкент, Туркистон ёдгорликлари; жаҳонга доғру таратган, дунё илм-фанига, маданиятига салмоқли ҳисса қўшган уламо ва фузаларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Форобий, Ат-Тер

Бугун мустақиллик шабадаси бутун жумҳуриятда эсмода. Ҳар қандай янги ҳодиса янги мушоҳадаларни, фикрларни уйғотади. Айни пайтда бу ҳолат қадим тарихга ҳам мурожаат этишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан ўтмишдаги миллатимиз тарихига назар ташлаш айни кунларда алоҳида аҳамият касб этади.

Тарих ўзбек халқини доимо жуда мураккаб синовларга рўпара қилиб келган. Бундай синовлар ўзбекларнинг қадим андоди туркийларга бошда ҳам қўйилган эди. Аммо қийин шароит, тақдирнинг оғир синовлари ҳар бир халқдаги чидам ва бардошни журъат ва ғайратни ҳам чиниқтириши яхши маълум. Биз фикримизни ўзбекларнинг қадим андоди туркийларга хос бўлган Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари асосида изоҳлашга уриниб кўраемиз.

Энг аввало, шунинг таъкидлаш лозимки, Ватан ва ватанпарварлик тушунчаси, мустақиллик ва озодлик, эрк ва адолат ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. Ахир, токи Ватан ва унга нисбатан чин муҳаббат бўлмас экан, мустақиллик ва озодлик, эрк ва адолат ҳақидаги ҳар қандай гап ортинчадир.

VI — VIII асрларда яратилган Ўрхун — Энасой обидалари ёни IX асрга мансуб «Ирқ битиги» асарини, ёхуд IX — XII асрларда яратилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугат-ит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳабиат ул-ҳақоий» асарларини ўқиш, улар маънавий ҳақиқат аниқ шундай мулоҳазага асос бўлади.

Туноққу битиктошини кузатайтик. Ундаги воқеалар VIII асрнинг биринчи чоракига тегишли. Муҳими шундаки, асарда Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари конкрет шахсларга қараб, улар-

ЮРТНИ СЕВИШ УЛУҒ ФАЗИЛАТДИР

нинг ўз Ватани ва шу Ватан фуқароларига муносабатига кўра, белгиланилади. Туноққу ўз мамлакатни ҳақиқат гапирганида ифтихор билан:

Ҳоқони қаҳрамон экан,
Маслаҳатчиси аллома экан,
деди.

Туноққу ўзи турғиб ўсган ери — Ватанга ёвуз ёғийлар бостириб келаятгани эшитганидан кейин «тун ухлагим келмас эди, кун ўтиргим келмас эди» дейди. Ватан манфаати, чегаралар дахлсизлиги, мустақиллиги Туноққу учун ҳар нарсадан ортқ. Шунинг учун ҳам у: «Ейи кўп деб нега чекинаемиз, Узимиз оз деб нега кўраемиз?», — дейди.

Ватан ҳимояси, унинг мустақиллиги Туноққу учун ҳаёт-мамот масаласидир. Чунки у ўзини ватандан ҳам, халқидан ҳам айри тасаввур эта олмайди. Ахир у муваффақият қозонмаса «давлат, ҳам, халқ ҳам йўқ бўладиган» эди.

Алоҳида уқтириш лозимки, қадимги туркийларда Ватан тушунчаси кўпроқ ҳоқон — мамлакат ҳукмдори билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилади. Ватан учун кураш бу ҳоқоннинг давлати учун кураш сифатида берилди. Шунга кўра, ҳам ушбу ёдгорликда барча ҳаракатлар Элтарин ҳоқон номи билан боғланади. Ёки Кўлтегин ёдгорлигида Ватанининг муқаддаслигини таъкидлаш учун ҳоқоннинг «Тангридай тангридан бўлган»-лиги махсус таъкидланади. Ҳар қандай ватан эл-эллати, халқи — фуқароси билангина ватандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳам, ҳоқоннинг ҳам асосий вазифаси мана шу эл-эллат тақдирини ўйлашдир. Кўлтегин ёдгорлигида ҳам шундай:

«Турк ҳоқони Ўтуқон йишда турса,
Элда ташвиш йўқ».

Ватанини севиш, энг аввало, шу Ватанининг фарзандлари — халқини севишдир. Бунинг Кўлтегин тилидан эшитайлик: «Тангри ёрлақсин, бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқини тириштириб, тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камба-

ғал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим».

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит — турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларидан шу мазмуни қузатини кузатиш кўрсатадики, Ватан тушунчаси халқ тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Уларда қулланган «Эл» сўзи айни пайтда — халқ, фуқаро маъносини ҳам, мамлакат, салтанат маъносини ҳам ташвишди. «Қутадғу билиг»да талқин қилинишча, ҳақиқий ватанпарвар киши бу эл ғамини, унинг манфаатини ўйлайдиган кишидир. Шунинг учун ҳам эл бошлиғи адолатли бўлса, ўша элнинг халқи бойида, юрт осойишта ва тинч бўлади:

Қайғу эл беги бўлса эзуғу қўни,
Ваоди ул эл будин, турди қўни.
Будуқ байлиқи бега байлиқ турур,
Тиласа мунн тут, тиласа ани.
(Қайси бир элнинг беги яхши бўлса, ўша эл халқи бойида, қўни тугади. Халқ бойлиги беги бойлиғидир, Истасанг бунн қил, истасанг уни.)

Эл-Ватанини севадиган ҳақиқий мард киши эл бошидаги тумани кўтармоғи, унинг бош оғриқларини йўқотмоғи керак. Бунинг учун эса киши ўзидан ярамас хусусиятлардан фориғ бўлмоғи шарт. Юсуф Хос Ҳожиб кишидаги ярамас хусусиятларни «эсиз қилиш» дейди ва бу қаторда ичкиликка берилш, ҳасадўйлик, ёлғончилик, субустаслик, бебарволик каби салбий хусусиятларни қайд этади. Аммо эл-Ватан тақдирига таъсир қилиши мумкин бўлган «эсиз қилиш»ларнинг энг дахшатлиси худбинлик, манфаатпарастликдир, дейди у. Шойр бир қанча ярамас феъл-атвор ҳақида гапириб, ўз фикрини шундай яқунлайди:

Бу қач нағ кўдағил, кўдағил эл.
Ажуи турға, бегилик сенга берга ал.
(Бу бир қатор нарсалардан асрансанг, элнинг омон бўлади, Дунё барқарор туради, бегилик сенга қўл беради.)

Бошлиқ учун Ватанини севиш, ватанпарварлик фуқаронини, эл-халқини севиш, халқпарварлик, фуқаропарварлик билан тенг. Шунинг учун ҳам эл-халқда қилинган адолат фақат халқ кўнглини хушнуд этибгина қолмасдан, уларнинг ўзлари туғилиб ўсган юртга, Ватанга бўлган муҳаббатларини ортиради, улардаги садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Эки нағ турур элга бағи беки,
Бирн сақлиқ ул бир тўру-эл қўни.
(Икки нарса эл учун мустаҳкам боғиқдир, Бирн — ҳўшёрлик, бирн — адолат, булар элнинг асосидир.)

Фуқаролардаги Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг намоян бўлиши фақат ҳарбий куч қудратли, жисмоний бақувватлиликка эмас, айни пайтда маънавий баркамолликка ҳамдир:

Кўнилик, бутуқлик керак бергичка,
Ани бутса беллар ишин бергичка.
Бу кўрликни киши қилин

кўрмуқ бўлур,
Қилин бўлса кўрмуқ эл асн тўлур
(Ишчи (ҳодим, фуқаро) учун тўғрилик, чинлик керак, Токи беллар унга ишини топиришига ишонсин. Кўрлик кишининг феъл-атвори ҳам чиройли бўлади, Феъл-атвори чиройли бўлса, элнинг манфаати тўлиб-тошади.)

Оқорида айтилганидай Ватанини севиш, бу юртни, халқини севишдир. Ана шундай одамгина ҳақиқий ватанпарвар бўлиши мумкин:

Ўзунг асги қўлма, будун асги қўл,
Иудурма юк элга, ўзунг юкчи бўл.
Бугина эмас, «Қутадғу билиг»да, ниҳоятда қизиқарли бир ҳолат бор.

Донишманд Ўзғуриниш дунё ишларидан юз ўттириб, ҳаётининг сунги рўсмин фақат хилват гўшада, одамлардан ташқарида, тоат-ибодат билан ўтказмоқчи бўлади. Ана шундай бошқа бир. донишманд — мамлакат ва халқ тақдирига, ишига фаол араланиб юрган, эл-юрт ташвиши билан янаб юрган Ўзғуриниш унга мурожаат қилиб шундай дейди:

Эл асгин бузув ҳам, ўз асгин қўдуб,
Не эзуғу тиларсан бу ерка улуб.
Кишлар ара кўр, киши ул бўлур.
Анингдин кишилар асғилар бўлур.

Булардан чиқадиган хулоса шунки, Ватанга муҳаббат айни пайтда шу Ватанга, унинг мустақиллиги, озодлиги, равангага даҳлдор бўлган барча нарсаларга муҳаббат демакдир. Ана шундангина ҳақиқий ватанпарвар, ўз Ватанининг содиқ ва қомил фуқароси бўлиш мумкин. Ҳақиқий мустақил Ўзбекистон фуқароларига ҳам тўлиғича тааллуқдир.

Боқижон ТЎҲЛИЕВ,
Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика институтининг профессори.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Қашани туманидаги Амир Темур номи мактабда Амир Темур таваллудига бағишланган тантана бўлиб ўтди.


Маърузачилар саркарданнинг ҳаёти ва шон-шавкатли сафарлари, ўзбек халқи олдигаги улуғвон хизматлари тўғрисида ўқувчиларга ҳикоя қилиб бердилар.

Анжуман барчада катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар қашқадарёлик буюк бобокалонлари жаҳонгир Темур билан фахр этишларини баён этиб, ёнғи шельлар ўқидилар, дилрабо куй-қўшиқлар ижро этдилар.

Тантананда туман халқ таълими бўлими мудири Э. Шойинкулов ҳам кутқ сўзлариди.

У. РАҲИМОВ.

Ж О Н В А Т А Н И М



Бир кун қор-қора, совуқ сўғмоқда, Унгида бўларсан бирдан намоеъ. Ота-онаси ярим кечаси, Бўғиб ўлдиргани ёнгилар пинҳон, Шовқиндан уйғониб кетган боланинг, Қўзлари мисоли қаъбаб қаҳрдан...

Бу воқеа эраиздан олдинги 530 — 529-йиллар орасида бўлиб ўтган. Уша замоннинг буюк ҳукмдорларидан бири, форслар подшоҳи Куруш (Кир) ўз салтанати теграсида яшайдиган халқларни кетма-кет бўйсундиран экан, тобора ўз номини шон-шухратга кўмиш мақсадида янги-янги юришлар режасини тусарди.

Ривоят қилишларича, форслар Мида шохи Астиаг қаҳридан қаттиқ қўрқарди. Шарҳда уни Кайхисрав, гарбада Кир деб ҳам атадилар. Буни яхши билган Куруш уларни Астиагга қарши бош қўтаришга қўндириш осонлигига бўлмаслигини тусунарди. Шунинг учун у форс йиғитларини йиғиб, эртаси кун унинг ҳузурига ўроқ билан келишларини буюрди. Эртаси йиғитлар ўроқлар билан келгач, жуда катта майдонга эгалаб ётган пичанворни ўришга буйруқ берди. Бу оғир иш ярим тунга бориб тугагач, Куруш йиғитларга эртага ювиниб-тараниб, ҳашаматли либосларини кийиб келишларини сўради. Ҳа бунга отасига қарашли подоларни бир яйловга тўплаб, уларни сўйиб, турли лаззатли таомлар тайёрлашни талаб этди. Шунга янаша жуда кўп шароб олиб келтирди. Нобонид кечаси билан нон ёпиб чиқдилар. Тонгда йиғитлар йиғитлар кўёш ботгунча кайфу сафо қилдилар. Зиефат тугагач, Куруш йиғитлардан сўради: «Қани айтинглар-чи, сизларга қайси кун маъқул — кечамини ёки бутунини?» Йиғитлар қийириб: «Албатта, бутунги кун!» — дедилар.

Уларнинг шундай дейишини билган Куруш хурсанд бўлди. У йиғитларга яна муржоат қилди: «Форс жангчилари! Менинг сизга айтганим сўзим бор. Сўзим кирсаларинг, бутунгидек фароғатда, кирсаларинг, нечагидай заҳматда яшасизлар. Сўзимга кирсаларинг, овоз бўласизлар, сўзимга кирсаларинг, куллинда яшашга маҳкумсан! Ҳабарларинг бор: тугилганимдан мени худодлар ўз пашоқиди асраб келаяптилар. Бутун улар менга Астиагга қарши бош қўтар, деб даъват қилмоқдалар!» Форс жангчилари Куруш сўзидан рўҳланиб узоқ вақтдан бери мидаийларга бўлган адоватлари тугён уриб, урушга тайёргарлик қўра бошладилар. Бу ҳабар Астиаг қулониға етгач, у чопар юбориб, Курушни ўз ҳузурига чақирди. Куруш подшоҳга: «Ҳузурингга сен истаганидан ҳам тезлида етиб бораман», деган жавоб юборди. Биринчи жангдаёқ Астиаг тахти Куруш қўлига ўтди. Бутун аскарларин айрилган Мида шохин асир тўшди. Вобил шохин Набонид солномасига қўра, Астиаг ўз аскарлари томонидан Курушга топширилган.

Шундай қилиб, 128 йил давом этган мидаий ҳукмронлиги барҳам топиб, тарих майдонига форслар чиқиб келдилар. Бу чиқиш Куруш номи билан тарих солномаларига битиб қўйилди. Уша даврнинг буюк ҳукмронларидан бири Лидия шохин Крезни енгандан сўнг Куруш уни ўзига вазир — бош маслаҳатчи қилиб тайинлади. Куруш тез орада бутун Кичик Осиёни ўзига тобе қилди. Унинг Бобилин забот этгани ҳақидаги хабар эса «Осиё подшоҳи тўғилиди» деган хабар каби тарқалди. Куруш Бобилин эраиздан олдинги 539 йилда забот этди. Бу савадан роппа-роса ўн йил ўтгач, Куруш ўзининг оҳ назарини бошқа бир икки дарё — Сирдарё (Ҳеродот бу дарёни Аракс деб атайд) ва Амударё оралиғидаги тупроққа тикиди. Аммо ўша олис йилларда Амударё бутунгидек Орол денгизига эмас, балки Каспий денгизига бориб қуюларди. Бугунги кунда қолган Ҳузёб дарёсининг ўзани ўша қадимги сув йўлидир.

Аракс дарёси ортида масагетлар қабиласи истиқомат қиларди. «Бу масагетлар, — деб ёзади Ҳеродот, — кўп сонли ва жасур қабилани эди. Улар Аракс дарёси ортида, қунботар тарафининг шарқий қисмида яшайдилар. Базиллар уларни ҳам скифлар қабиласидан деб билишди».

Масагетлар ўша замонларда шароб нималигини билмасдилар. Улар гулхан ёқиб, унга бизгача номи етиб келмаган мева уруғларини ташлардилар, бу уруғлар оловда ёниб, кишини маст этадиган ис чиқарарди. Бу исни тўйиб ҳидлаган масагетлар кайф қилиб, ўйинга тугашдилар. Улар ўзлари яшаб турган бепоён дастларга ярашарли балеанд овозда қўшиқ куйлардилар. Масагетлар кўёшга сингардилар.

Утмиш юнон муаррихларидан Максим Тирский масагетлар ҳақида ёзар экан, улар «Тананс (бу ерда Дон эмас, Амударё қўзда тугилган) дарёсини муқаддас деб, маъълум кунда бу дарёда қўмилдилар!» деб ахборот беради. Бу одат кейинги асрларда ҳам Мовароуннаҳр аҳолиси орасида расм бўлганини Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» асаридида қуйидаги сатрлар тасдиқлайди: «Самарқанд элининг асқидан қолган бир қилиқлари бордиркин, улар акам йилининг сўнгги дуншоба оқшомида ушбу ариқ (Оби раҳмат) ёқасига йиғилиб қўмилдилар...»

Бошқа бир юнон муаррихи Афиний «Софистлар базми» рисолисидида ўзидан олдин ўтган муаррин Ҳаретнинг «Александр тарихи» асарининг тўққизинчи китобидан олганин ва Тнаис дарёси ортида яшовчи маратлар (масагетлар) подшоҳи Омартининг қизи Одадида билан Зарирад ўртасидаги мухаббат ҳақида сўйловчи ривоятни келтиради.

Ҳеродот «Тарих» асарида Бобил, Мида, Иония ерларига боқини уюштириб турган киммерияликлар ҳақида ёзади. Бу воқеалар мелоддан олдинги 700-йиллар атрофида бўй берган. Қадимий форс тош устунларидаги битиклар киммерияликларни Амударёнинг қуйи оқимида яшаган «гимер, гиммер» деб аталувчи саклар эди, деб маълумот беради.

Ҳеродот юнонлар билан жанг қилган форслар тарафида турган бохтарийлар, саклар, сўғдиллар ҳақида ёзар экан, жумладан, сакларни қуйидагича таърифлайди: «Саклар бошларига учли қалпоқ, эгинларига чарм ишон кийган эдилар. Қуроллари эса сак камони ва ханжаридан иборат эди. Бундан ташқари улар

нинг икки дамли жанговар ойболталари ҳам бор эди. Бу қабилани амирғий («гиммери, «гимер») саклар деб атадилар. Форслар барча скифларни сак деб номлашди».

Ҳеродотнинг бу маълумоти биз учун жуда муҳим. Демак, ишонч билан айтиши мумкинки, юнонлилар масагетлар мансуб қабилалари скифлар деб, форслар эса саклар деб атаган эканлар. Скифлар (саклар) қайси тил гуруҳига мансуб эдилар? Шу пайтгача бир гуруҳ сўз олимлари уларни рус халқининг аждодлари, бошқа гуруҳ олимлар эроний халқлар аждодлари эдилар, деб келдилар. Дунай дарёси билан Сибириягача бўлган жуда кенг маконда яшаган скифларни ёлғиз бир тил эгалари сифатида кўрсатиш тўғри бўлмаса керак. Мен ўз фикримни бир тарихий гувоҳлик орқали исботлашга уринаман: «Мелоддан олдинги XII асрга тааллуқли — Ошур (Ассирия) битиклари Осиёнинг бепоён дастларидан бостириб кирган скифлар боқинини ҳақида хабар берад экан, бу жанговар қўчманчи қабилалар номи «шигауз», — улар бошларининг исмини Испақ деб маълум қилди.

Туркий халқлар тарихи билан яхши таниш бўлган одам «шигауз» деган ном аслида «ўғиз» номи билан боғлиқлигини тезда пайқайди. Маълумки, йиғимга «ташўғиз» («ташиқ ўғиз») деб номланган. «Демак, Аш-Шира битикларидаги «шигауз» аслида «иш-ўғиз» бўлиб, бу тарихий гувоҳлик скифларнинг (ёки уларнинг маълум қисмининг) туркий тил эгалари бўлганларини исботлайди.

Ўқорида Мида тупроғига киммерияликларни қўшиб, бостириб кирган Шох Мидаис боқиниғидаги скифлар ҳақида сўз юртган эдик. Уша скифларни Каспий денгизни атрофлари-ю, шимолий Туркистон ерларидан масагетлар кишиб чиққан эдилар. Шундан маълум бўладики, масагетлар жуда катта жүроғий негликларни эгалаб олганлар. «Масагетлар, — деб ёзади Ҳеродот, — скифларнингга ўхшаш либос кийардилар. Турмуш тарзлари ҳам скифларнингга ўхшаш. Отлиқ ва пийда баб-баробар жанг қилардилар. Шунингдек, уларда камон, найза ва ойболта ҳам бор. Улар қўллаган буюмларнинг даярли ҳаммаси олтин ва мисдан. Найза ва камон ўқ-

дан қайт. Сен Курушга амр этган, бу кўприк сенинг бошинга нелар келтиришини ҳали билмайсан. Наҳотки, сен нимани истасанг, ўша нарса бажо бўлишига ишонасан!» Бу ниатингдан воз кечи, ўз юртиңда подшоҳлик қил. Бизнинг юртимизга кўз тикма, Сен, албатта, бу гапларни назар-писанд қилмаслигини ни ҳам билмаман.

Сен тинчликни эмас, урушни истагансан. Агар масагетлар билан жанг қилмоқчи истаётган бўлсанг, кўприк қўриб овоза бўлма. Биз сенга дарёдан бемалол, ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиш имкониятини берамиз. Биз дарё қирғоғидан уч қуллиқ масофада бориб турамыз. Агар хоҳласанг, сен дарёдан ўтиб ўтирма. Ҳақинг уч қуллиқ масофага чекиниб, бизни кут. Биз дарёдан ўтиб олайлик. Кейин жанг қиламыз!»

Малика Тўмариснинг бу мардона сўзлари Курушни ҳайратга солиди, жавоб тополмай боши қотди. Кейин ўз саркардаларини кенгашга чорлади. Кўпчилиқ оракага чекиниб, масагетлар қўшинига дарёдан ўтиш имкониятини бериш тарафдори бўлди. Бу тақлиф тарафдорлари «Узимизга яхши таниш ерда уришини осон, Аракс ортида бизни нималар қаўтатганини аниқ билмаймыз», дедилар.

Аммо Курушнинг энг ақил маслаҳатчиси айланган соёқ Лидия шохин Крез кўпчилиқнинг фикрига қарши чиқди. «Шоҳим!» — деди Крез. — Шу пайтгача мен сенинг саноқатли хизматкоринг эканини исботлаб келаяман. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Мен сенга бўлган саноқатимни кутлуг хонадонингга нисбатан ҳар қандай хавф-хатарини бартараф этиш йўллари қидиришга мажбур эдим. Албатта, сен ўзингнинг боқийлигингга ва енгилмас қўшинингга бош эканинга ишонсан. Шундай экан, менинг ҳозир айтмоқчи бўлган гапларим фойдасиз эканини билиб турирман».

«Фойдасиз бўлса ҳам ўз фикрингни айт!» — деди Куруш.

«Шоҳим!» — деди шунда Крез. — Агар сен ҳам ўзингни, ҳам аскарларингнинг фойдалари эканини тан олсанг, англигини, тақдир ҳамини бир кишига қулиб боқармайди. Бугун музаффар қўшини эртага мағлуб ва хароб бўлиши мумкинлигини англа. Мана шунинг учун ҳам саркардаларинг айтган тақлифга қаршман!»

«Айт!» — деди Куруш. «Шоҳим!» — деб давом этди Крез. — Агар сен масагетларни ўз еримизга

унга доно Крезни маслаҳатчи қилиб тайинлаганини айти. «Мен ҳатто бу урушда мағлуб бўлганимни эшитсан ҳам Крезнинг жонига қасд қилма. Уни асра!» — деди Куруш ўғлига.

Тез орада Камбис билан Крез ўтирган тахтиравонни кўтарган қуллар карвони сарой қўриқчилари билан биргаликда пойтахтга қараб йўл олди.

Форслар қўшини эрталабдан то кўёш ботгунча дарёнинг уч-тўрт жойидан кечиб ўтиб, даст ичкарисига қараб юрди. Аскарлар бир кунлиқ масофани босиб, бир воҳода тўхтаб қўним топилад, Крез Крез берган маслаҳатга амал қилиб, Куруш захиратидаги сон-саноксиз буқаларни бир бошдан сўйиб, лаззатли таомларни пишириб, юзлаб шароб қуйилган мешларни ва қўзаларни тайёрлашди. Барча тадбирлар амалга ошгач, Куруш бир неча минг аскарини бу хуш ислар таратиб турган дошқозонларнинг ёнида қолдириб, ўзи қўшиннинг асосий қисми билан яна Амударё соҳилига қараб чекинди. Дошқозонлар ва шаробли мешлар ёнида қолдирилган аскарлар Крез берган маслаҳатдан беҳабар эдилар, Куруш асл мақсадини уларга айтмаганди. Шу сабабли, овчилар, шерин жалб этиш учун оёғи туюшувлаб қўйилган от аҳолига тўшганларидан беҳабар бу аскарлар Қўруш кетиши билан хавф-хатарини унутиб, базми жамшид бошладилар.

Малика Тўмариснинг ўн саккиз яшар ўғли Спарганис бошлич масагетлар қўшинининг илғор қисми Куруш қолдирган аскарларга тўсатдан ҳужум қилди. Жанг узоқ чўзилмади. Сархуш форс аскарларининг жанг қилмоқча мажоллари қолмаган эди. Уларнинг асосий қисми жанг майдонига қолди, қолганлари отларига миниб қочдилар. Уларнинг қочганини кўрган масагетлар душманни қуввишга уриндилар. Уларни осон тўшган габаба алдаган эди.

Масагетлар атайин қолдирилган дошқозонларни, умрларидида кўрмаган шароб қўйилган меш ва қўзаларни қўриб, пайсалламай кайф сабога берилдилар. Улар ҳам туюшолган от аҳолига тўшганларидан беҳабар эдилар. Уткир шароб ва хуштам таомлар ўз кучини кўрсатди. Қўшим оғми туриб, масагетларнинг ҳаммаси доғ қотиб ухлаб қолдилар. Бундан хабар топан Куруш шидат билан олга юриб қағилда ётган сармаст масагетларни ўраб олди. Душманлар қийиригидан уйғонган масса-

етмай қочирга қайтиб кирди. «Лаънати гофиллар, — деб ўйларди у, — дастлик хотин ўғли қўлимда тирик юрса, онасининг қўқис аламу итирободин куйиб, тузукроқ жанг қилишга ярамасди. Ҳатто жангга чиққандам душманни енгилсан эмас, ўғлини кўтаришни ўйларди. Менинг ҳар дақиқида ўғлини қатл қилишим мумкинлигини ўйлаб адоий тамом бўларди. Энди-чи, энди?! Энди у ярадор шердан ҳам даҳшатли. Энди у тирик ўғлини қўтқараман деб эмас, ўғлининг ўзини оламан деб жанг қилди. Энди у ўлимдан қўрқмайди. Олдин ўртამизда ҳаёт турган бўлса, энди ўртამизда ўлим турибди. Энди қийин бўлади...»

Мана шу ўйлар қўчғида турган шох орқасидан кетма-кет югуриб кирган соқилар бошлиги айғоқчилар масагетлар қўшини шиддат билан шох қўналғаси томон келаётганларини хабар қилганларини етказди.

Куруш қўшини жанговар сафта тўзини буюрди. Уша заҳоти жанговар нобонидлар товуши теп-тепис даст сукунатини бузди юборди. Шох қочдири устунларидида қўниб турган ёввойи қабуллар «гурр» этиб осмонга қўтарилиб учдилар. Куруш семмили отини келтиришни буюрди. Отига мингач, қийинчи яланғочлаб саф тортиган безовта аскарлар олдида чиқиб экан, олсида масагетлар қўшини кўтарган чағу тўзони қўрди. «Энди қийин бўлади!» — деб ўйлади яна Куруш. Форслар қўшинига яқинлашган масагетлар аввал камонлардан ўқ уша бошладилар, ўқларнинг қалинлигидан форслар қўшини устини соя қоплагандек бўлди. Форслар ҳам қараб турмай, камонларини ишта солидилар. Аммо камон отишда форсларга қараганда масагетлар уста эдилар. Уларнинг боласи олти-етти ёшидаёқ елиб бораётган отда туриб чумчуғи муқалжа олишини Куруш мидаийликлардан ашитган эди. Мидаийликлар эса бу гапни неча замон илгари киммерлардан ашитган эдилар. Киммерларнинг ўзи камон отишда бутун Кичик Осиё халқларини қўйд қолдирганларига қарамай, бу ишда масагетлар улардан машхурроқ эканлиқларини айтган эканлар.

Курушнинг қўлиги безовталанди. Жанг шундай давом этадиган бўлса, кўп аскарлардан жудо бўлишини сезган шох қўшинини олдинга бошлади. Масагетлар ҳам шунини кутиб тургандек олдинга ташландилар. Жанг жуда узоқ давом этди. Масагетлар — эриқа ҳотинлар баб-баравар отларидидаги қимосиз болалари, кека ота-оналари, чени йўқ сахро — қиндик қолдари томан она отлари турганини туйиб, ўлимдан қўрмай жанг қилардилар. Уларнинг шижоатини кўрган форс аскарлари юрағидида қўрқув ёғирилай бошлади, дилларидида титроқ қўлларига ўтди. Ниҳоят, улар мардона рақибга бас келоматликларини англадилар ва жанг майдонини ташлаб қоча бошладилар. Масагетлар уларни қувиб дарёга етдилар. Дарёдан бирорта ҳам форс аскари кечиб ўтолмади. Жанг бошланган жой билан дарё оралиғида форсларнинг икки юз минглик қўшини несобуд бўлди. Осиёни неча йиллардан бери зир-титратиб келётган Куруш ҳам жангда ҳалок бўлди.

Ўғли Спарганис аламини қийнаган малика Тўмарис амрига биноан жанггоҳда муаррихлар орасидан форслар ҳукмдори жасалини қидирдилар. Тўғри ой чиқиб, атраф сўткек оппоқ эди. Туни ой қидириб, тонгга яқин Курушнинг жонсиз танасини отла сураб келтирилди. Масагетлар маликани икки кун илгари ўғли бошлич аскарларни нобуд этиш учун хизмат қилган шаробдан бўшанг мешларнинг бирини форс аскарлари қони билан тўлдирдишни буюрди. Масагетлар тангрис Кўёш ҳақи ичган қасамини ўташ учун Курушнинг боқини танасидан жудо қилиб қон тўла меш ичиға ташлар экан, газабдан ҳайқирди: «Сенга ўз аскарларнинг қонини ичирман дегандим, мана, сўзимнинг устидан чиқдим. Ич энди, қонхўр, тўйиб-тўйиб ич!»

Малика Тўмарис жасорати икки дарё атрафи ва оралиғида яшовчи халқлар тарихида ўчмас из қолдириди. Шу сабадан муаррихлар бу қаҳрамон айтган гоҳ бу, гоҳ у халқига мансуб бўлгани ҳақида ёзадилар. Аммо тарих фақат муаррихлар мулки эмас, тарих халқ ёлномаси ҳамдир. Моғизда бўлиб ўтган ҳар бир воқеа фақат тарихни биттигиди эмас, энг аввало, халқ хотирасида ўзининг боқий эини қолдиришни шан-шубҳасиз. Халқ озгани иқоди намуналариди, ҳоҳ «Алпомиш» бўлсин, ҳоҳ «Қўтағу боғ» ёки «Ирқ битиги» бўлсин халқлар босиб ўтган йўллар давомида солид бўлган ҳодисалар ўз аксини топан. Худди мана шу нуқтага назардан келиб қийиб, Тўмарис жасоратиға назар ташлашди. Бундан бора-ўғри элик-етмиш йилча бурун Самарқанд дастларидида «Ойсулув» номли дoston қуйилган. Минг афсуски, Эргаш Жуманбулуннинг моноси бўлиши Тилла кампир қуйлаган бу дoston бизгача етиб келмаган ва атоқли олим Ходи Зариф дoston мазмунини ёзиб олган, холос. Дostonнинг бош қаҳрамони Ойсулув босқинчи Эрон подшоҳига қарши курашди. Ойсулув тимсолдида малика Тўмарис номини бўлгани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. «Ойсулув» дostonини мажбуд бўлганга ўрта Осиё халқлари қатори биз — ўзбекларнинг ҳам Тўмарис жасоратиға ворис эканимизни тасдиқлаб туради.

Қадим мози битикларини варақлаган инсонлар дунёнинг ярмини титратган форслар ҳукмдори Куруш номини эмас, балки она юртни ҳимоя қилиб боқинчиларни мағлуб этган саклар маликани, мағрур ва қўрқмас Тўмарис номини улуглайдилар. Бундан қарийб етти аср бурун яшаган, инсониятнинг улғу даҳоси Данте ўзининг ўлмас «Илоҳий комедия» асарида Турон маликани жасоратини илк бор шеърлида маҳф этган эди. Куруш устидан габаба қозонган Тўмарис ҳақида ёзар экан, Данте биз — бугунги авлодлар юрагини хаяжонга солидган сатрларини битди:

Пайдо бўлиб гоҳ дашватли ўч қиличи, Курашга ҳайқиргачча сўзлар, — Қонга жуда ташна эдинг, энди ич, қонхўр!

Хуришид ДАВРОН

ТЎМАРИС

ларининг учлари, ойболталари олтиндан, бош кийимлари, намалари ва белбоқлари тилладан ясалган таңқинчоқлар билан безатилган. Улар, ҳатто, ўзлари минган жанг отларини ҳам, мис иқиб билан ёпадилар. Отларининг анжомлари ҳам тилла билан безатилган. Масагетлар темир билан кумушни даярли иштатмайдилар. Улар яшаган мамлакатда бу нарсаларнинг ўзи йўқ. Олтин билан мис эса ошиб-тошиб ётибди.

Масагетлар кўёшга сингардилар. Маълум муддатда (ёъни ўзига хос байрам кунин) улар кўёшга бағишлаб жуда кўп отларни қурбонлик қилардилар. Отларини қурбонлик қилишни улар энг учур тангрига уққур жониворлар бағишлаб керак, деган тусунданан келиб чиқиб бақарганлар».

Таниқли инглиз олим Э. В. Тойлор «Ибтидоий маданият» асарида Ҳеродотнинг бу фикрини тасдиқлай: «Татарияда (ёъни Туркистонда) яшаган кўёшга сингувчи масагетлар ўзларини қаҳратон совуғи даҳшатларидан ҳалос этувчи тангрига (кўёшга атаб) ўз отларини қурбонликка берадилар. Осиё шимолида яшовчи Турон қабилалари ўлган одамлар билан хайрлашши маросимини даҳшат дунёсига сафарга олган одам учун зарур от, чана, болта, чақмонтош, гўшт, ёр каби нарсалар жасад билан қўшиб қўмилган», деб маълумот беради.

Куруш ўзининг очқуз назарини масагетлар ерига тикан йилларда бу қабилани устидан Тўмарис исминли малика ҳукмронлик қиларди. Маликанинг эри ўн йилча бурун ўлган эди. Унинг яқкак ёлғиз ўғли Спарганис (Спарганис) масагетлар қўшинига бошчилик қиларди.

Масагет қўшинида эркаклар билан тенгма-тенг хотин-қизлар ҳам қатнашардилар. Улар қилчйбоқлик, айниқса, масагетлар учун асосий қурол бўлган камондан ўз узишда эркаклардан қилинмасдилар.

Куруш жуда кўп юртларни ҳийда билан жанг жадасиз эгалаб олгани учун бу гал ҳам масагетларга найранг иштатмоқчи бўлди. У малика Тўмарис ҳузурига ўз элчиларини турли-туман тортиқлар билан жўнатди. Элчилар келиб, совгаларни топширдилар ва буюк шох Кайхисрав масагетлар маликаси Тўмарисни ўзига хотинликка сўраётганини айтдилар. Аммо ҳам ўнган, ҳам заковатли малика форслар ҳукмдорининг асл ниятини осонгина пайқаган эди. Шунинг учун ҳам у гапни чўзиб ўтирмай, элчиларга рад жавобини бериб, улар келтирган тортиқларга қўл тегизмай, қайтариб жўнатди. Элчиларни жўнатган малика эртага, албатта уруш бўлажанини билгани учун ҳам Спарганисни ва қабилани ҳушроқли кишиларини ҳузурига чорлаб, кенаш ўтказди.

Ҳийласи иш бермагандан аламзада Куруш масагетлар юртига қараб қўшин тортиди. У энг аввало Аракс дарёсидан ўтиш учун жуда кўп қайиқ ва соллар ясади, сўнг уларни бир сафта тизиб, кўприк ясашни буюрди.

Сафарбарлик ишлари билан машғул бўлган безовта Куруш қўшига Тўмарис жўнатган элчилар келиб, масагетлар маликаси сўзини етказдилар.

Малика Тўмарис шундай деган эди: «Эй, Мидаия ва Форс шохин! Бу йўлинг

ўтказсанг, сен жуда катта тагога йўл қўясан, Мабодо жангда мағлуб бўлсанг, улар сенинг бутун салтанатингни вайрон қилишди. Сени енгган тақдирда улар ўз юртларига ҳоли изма-из қаймайдилар, аксинча оғириндан изма-из қайиб бораверадилар. Қолаверса, шу нарсаи ёнидада туғин: бир пайтлар отларимизни қарийб ўттиз йил давомида асоратда тутган урушқор киммерларни мана шу масагетлар жангу жадалда енгиб келганлар».

Мабодо жангда омад сенга қулиб боқса, сен ҳеч нарса йўқотмайсан. Сен уларни қаерла мағлуб этганиннинг аҳамияти йўқ. Аксинча сен масагетларни тор-мор этсанг, Тўмарис юртига бемалол кириб боришин мумкин. Наҳотки бир дастлик хотинга ён босгани шон-шавкатли Курушнинг, бутун Осиё ҳукмдорининг иззат-нафисига теғмас?! «Ҳом гапнинг қаноти бор», дейдилар. Мана шунинг учун ҳам масагетлар эмас, биз дарёдан кечиб ўттишимиз шарт. Улар уч қуллиқ масофага чекиншни ҳисобга олиб, ҳеч қандай тўсиқсиз дастликлар мамлакатига кириб оламиз. Уларни қандай мағлуб этиш чорасини эса алдақончилар топди қўйганман».

«Айт!» — деди Куруш.

«Шоҳим!» — деди Крез. — Бизга аниқ маълумки, масагетлар товушқон овлаб, уни ўтда пишириб ёр юрадиган бор оми халқ. Улар дунё лаззатларидан беҳабар: на шароб, на асл таомлар маъноси биладилар. Шунинг учун ҳам дарёдан ўтиб, даст ичкарисига киргач, бир маззилда қўним топагач, захиратидаги буқаларни сўйиб, турли-туман лаззатли таомлар тайёрлашни буюр. Яна шунини амр этганим, мамлакатдаги бор мавжуд мешлар, хумлар она юртим — Лидия узузморларидида етилган ҳосиддан тайёрланган қулич, қолларни гўлданка, йайитларни таңтиқ қизга айлантиришга қодир шароб билан тўлдирсин. Булар ҳаммаси тахт бўлгач, бутун қўшин билан яна дарёга қараб чеки. Озгина аскарларнинг эса масагетлар билан жангга чиқар. Улар биринчи тўнашувдаёқ орқага қараб қочадилар. Зафар маст қилган масагетлар қўшини, албатта, уларни қувадилар ва албатта, ўша биз тайёрлаган гаройиб дастурхон устидан қўйиб қолдилар. Агар адашмасам, улар умрларидида кўрмаган ноз-неъматларни тотмай ўтиб кетишга бардош беролмайдилар. Ана шунда уларни бизнинг қиличимиз эмас, ўзларининг нафслари мағлуб этади. Масагетларни форс қиличи эмас, форс шаробин еганди. Агар сўзим амалга ошмаса, тақдир яна сенга улуг жасоратлар қилишингга имкон беради. Сўзимни тугатдим».

Крезнинг сўзлари форслар ҳукмдорига маъқул тўшди. У ўз саркардалари тақлифини рад этиб ва шонилиқ равиюнда малика Тўмарисга унинг биринчи тақлифини қабул қилганини, дарёдан бемалол кечиб ўтиши учун масагетлар уч қуллиқ масофага бориб-туришларига розилигини етказишни буюрди. Озгина вақт ўтмай айғоқчилар масагетлар қўшини дарё соҳилини тарк этиб, сахро ичкарисига йўл олганини шохга хабар бердилар. Куруш бу хабарни эшитиб, ўғли Камбисни ҳузурига чақирди. У ўғлига ўзи масагетлар билан урушни тугатгунга қадар бошқариб туришини ва

етлар қилчиларини ялонғочлаб душманга қўрқмасдан ташландилар. Бироқ улар жанг қиладиган аҳволда эмас эдилар. Уларнинг қўли қириб ташланди, қолганлари асир олинди. Сармаст Спарганис ҳам ярадор ҳолда қўлга тўшди.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1993-94 йили учун ўқув режаси (III тур)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар), grade (уч йил), and semester (тўрт йиллик). Rows include subjects like 'Ona tili va adabiyat', 'Matematika', 'Fizika', etc.

*Эслатма: 5-синфлар ягона таъин ўқув режаси асосида ўқитилади.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда чет тилини ўрганидиган ўрта умумий таълим мактаблари учун ўқув режаси (IV тур)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар), grade (уч йил), and semester (тўрт йиллик). Rows include subjects like 'Ona tili va adabiyat', 'Matematika', 'Fizika', etc.

*Эслатма: 5-синфлар ягона таъин ўқув режаси асосида ўқитилади.

(Ўқув йилнинг боши ўтган сонда... ДАВОМИ БОР.)

ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ

Нуробод туманидаги 56-мактабни 1973 йилда тугаллаб, долғали ҳаёт қўйнига шўнғишган собиқ синфдошлар яна қадрдон масканларда учрашди. Уша пайтларда уларга раҳбарлик қилган муаллимлар Умрзоқ Уринов, Абдуразақ Саъдинов...

Мактаб бадий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган баҳор гулларидек рангбаранг мусиқий гулдаста барчани хушнуд этди. Мактабга ҳамда ўқитувчиларга собиқ ўқувчилар эсдалик совғаларини топширишди.

Раҳматой УСМОН қиз. Самарқанд вилояти.

Ўрта умумтаълим мактабларининг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (V тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар) and specializations (Ихтисослик (синфлар) бўйича ҳафталик соатлар: физ.техника, физ.-инфор., матем.-инфор.). Rows include subjects like 'Ona tili va adabiyat', 'Matematika', 'Fizika', etc.

Ўрта умумтаълим мактабларининг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (VI тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар) and specializations (Ихтисослик (синфлар) бўйича ҳафталик соатлар: Педагогик, Иجتимой, Биология). Rows include subjects like 'Ona tili va adabiyat', 'Matematika', 'Fizika', etc.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Хурматли Раъноҳон Азимбоева! Сиз умрингизнинг 33 баҳорини ёш авлоднинг тарбиялашга бағишладиган. Ўқитувчилик касбага болаларга билим ва тарбия беришдек олжанов, шарафли ишга астойдил меҳр қўйдингиз.

Утган йиллар ичида фидойи меҳнатингиз учун «Халқ маорифи аълоҳиси», методист, бунёдкор ўқитувчи, устоз деган шарафли номларга муяссар бўлдингиз. Юнусобод туманидаги 96-мактаб жамоаси Сизни 55 ёшингиз билан чин юракдан қўтлаб, муборакбод этди.

Отамиз Умаров СОДИҚ!

Сиз ўттиз йилдирки, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 7-мактабда ёшлар таълим-тарбияси учун жонфидолик қилиб келмоқдасиз. Педагогик фаолиятингиз билан бирга олти фарзандни вояга етказдингиз.

Хурматли падарбузрукворимиз, бугун меҳнат фаолиятингизга 30 йил, таваллудингизга эса 50 йил тўлаётган экан, Сизга соғлиқ ва саломатлик, омад ҳамisha ёр бўлсин.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ НОМИДАН ШУХРАТ.



Азиз ва меҳрибон дадажонимиз Набижон УСМОНОВ!

Сизни 50 ёшингиз билан чин қўлдан табриқлаймиз. Сизнинг сермашаққат, аммо шарафли касбингиз, яъни инсон руҳининг инженери — ўқитувчилик ҳамда мактаб раҳбарлик вазифаларини бажаришда бардамлик, сабр-тоқат тилаймиз. Дадажон, бахтимизга ойнажонимиз Ҳадичахон Муҳиддинова билан давру даврон суриб, соғ бўлиб юринглар.

Ўғилларингиз — ФАРҚОДЖОН, ФУРҚАТЖОН, ЗАФАРЖОН, МУМИНЖОН, УМИДЖОН, қизларингиз — ҚАНОАТЖОН, НАРГИЗАЖОН, ИҚБОЛОЙ.



Муҳтарам Зулхумор ТОШЕВА!

Таваллуд тоғанингизга 50 йил тўлганлиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизнинг мактабимиздаги таълим-тарбия ишларини ривожлантиришдаги ҳалол меҳнатингиз билан фахрланамиз. Сизга ҳамisha саломатлик, боқий умр, доимий бахт ва зафарлар ёр бўлсин.

ЎРТА ЧИРИҚ ТУМАНИДАГИ 32-ЎРТА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАР ЖАМОАСИ.



ЗУККОЛАР БАҲСИ

Ўқувчиларга фан асосларидан пухта билим бериш, уларни юксак эътиқод руҳида тарбиялаш билим юртимиз ўқитувчиларининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Ҳар ҳафтада бўлимларимиз «Марду майдон», «Билимдонлар беллашуви», «Қизлар баҳси», «Уйла, изла, топ», «Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари» сингари тарбиявий тадбирлар ўтказиб турилади.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳафта давомида ҳар бир ўқитувчи дарс ўтишининг ноанъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда намунали дарслар, тарбиявий соатлар ўтказилади. Тарбиявий соатларда «Ўзбек миллий анъ-

аналари», «Шаҳримиз тарихини биласизми?», «Онамиз — кўз қорачўғим», «Нонни эъзозлаш» сингари мавзулар муҳомама қилинди.

Тижорат коллежи ўқувчиларининг «Бозор ва биз», «Бозор иқтисодининг моҳияти» сингари мавзуларда ёзган рефератлари ҳанамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ҳафталик давомда Нолдира Нуриддинова, Мавжуда Рафқорова, Аббор Раҳматов, Хусниора Тўхтаева, Феруза Фозилова сингари ўқувчилар ховиржаобонлиқлари, эзгонлиги ва билимдонлиқларини кўрсатишди.

Ҳ. ПҒЛАТОВА, Бухоро тижорат коллежи методисти.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Андижон шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводига қарашли 1-«Шахтаой» болалар боғчасида Наврўз катта тайёргарлик қўрилган ҳолда ўтказилди. Тарбиячилардан Фарида Эргашева, Ҳадичахон Назарова ва Раъноҳон Мадраҳимовалар ўз гуруҳлари тарбияланувчиларининг байрамда фаол қатнашларини таъмин этти.

Наврўз тантанасида қақалокча исм қўйиш, бешик тўйи ўтказиш, Наврўзой ва Баҳоройнинг болаларни таъриқ этишлари, қизқичлар, полвонларнинг чиққишлари, миллий рақслар ва болалар фольклори намуналари асосида тайёрланиб ижро этилган ашулалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

М. РАНИМЖОНОВ.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

ҲОРМАНГ, МУҲАББАТХОН ОПА!



Эллик ёш. Қимларгадир бу шунчаки маънисиз босиб ўтилган масофа бўлса, бошқалар учун машаққатли сўқмоқларга тўлиб-тошган, ўз ўрнида ҳар бир сўқмоқ ниҳоясидаги лаззатларга лиммо-лим бўлган даволли йўл. Инсон яшаб кўйган вақтни тарозининг бир палласига, унинг шу давр мобайнида қилган ишларини иккинчи палласига қўйса, улар тенглашуви кишининг рисоладагидек умр кечирганидан дерак беради. Муҳаббат опанинг эса аёл боши билан фарзандларини оқ юзиб, оқ тараб,

шу билан биргаликда лисоний илм уммони тубидан уста гаввосларча дур теранлигини инобатга олса, беихтиёр тарозининг иккинчи палласини пастроқда кўради.

Самарқанднинг Оқдарё туманида эл қатори риқзини териб юрган дехон оиласида дунёга келган қизалоқнинг тақдирига нафакат оддий муаллима, балки тилшунос олима бўлиб етишиш битилганлигини ким билибди ўшанда. Қолаверса, мақсад сари огирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни ўзига эп кўрмаган Муҳаббат Абдураимованинг шу даражага кўтарилишига аввало меҳнатсеварлик, бошлаган ишни тўлақонли равишда интихосига етказиш хислати, одамийлиги асосий сабаблардан бўлган бўлса ажаб эмас.

Даставвал М. Абдураимова Самарқанддаги хотин-қизлар педагогика билим юртида тахсил олган, Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти куллибиде сиртадан ўқий бошлади. Узлуқсиз ўн олти йиллик мактаб муаллимаси фаолияти давомида Муҳаббат опа тил со-

ҳасида, унинг илганмаган қирреларини кашф этиш борисиде илмий иш бошлашни кўнглига тугиб қўйди. Уша пок ният уни Тошкентга етказди.

Қори-Ниёзий номидagi Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига келган Муҳаббатхон опа мавзунини айнан қишлоқ мактабларида болалар нутқ маданиятининг ниҳоятда паст даражада эканлигини ҳисобга олиб тайлади. Тилшунос олима, бир қатор дарсликлар муаллифи бўлган раҳматли Мушарраф Омилхонова бош-қошигида «Она тили дарслирида ўқувчилар нутқини ўстириш» мавзусида бошланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли урдалади.

Шундан сўнг ўзбек тили масалаларига оид қатор рисолавлар, методик қўлланмалар ва илмий мақолалар Муҳаббат опанинг серхосил меҳнати самараси сифатида дунёга кела бошлади.

Биз газета ходимлари сифатида М. Абдураимованинг меҳнатларини алоҳида баҳолаб, ютуқ томонларидан эътибор олиб бораемиз. Шундай ҳоллар бўладики, таниқли профессорларнинг ҳам ёзган ишларки тилини, услубини элаққага келтиришга тўғри келади. Муҳаббат опа эса нафакат илмий-усlubий таҳлилга, балки ҳар бир мақоласининг раён тилчилигини таъминлашга ҳам эришади. Ўз ўрнида, бу каби мақолалар муаллимларга ҳар томонлама бисотга айланади.

Айни кунларда Муҳаббат опа жамини муаллимларнинг ўзига хос қомуси ҳисобланмиш республика ўқув-методика марказида фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг бош методисти. Бир сўз билан айтганда, Муҳаббат опанинг илмий йўлига тушган қаровни қоригани йўқ. Аксинча, шашт билан олдега интилмоқда.

Элликка тўлиб, бутун ҳамкасблари, ёру биродарлари кўршовида эркактойга айланмиш ўтирган меҳрибон опа, захматкаш олима — Муҳаббат Абдураимовага ушбу онларда бунданда зиёда ютуқлар, соғлиқ-саломатлик ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Хорманг энди, Муҳаббатхон она!

А. ЭРНАЗАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040. Буюртма Г-133. 119179 нусхадда босилди, ҳажми — 2 босма табақ. Offset усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 19.30.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35. ИНДЕКС: 64595.